

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАНСУРОВ МАНСУР АЛИШЕРОВИЧ

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДА ҒАЗНАЧИЛИК ВА УНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК 336.146”313”

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Мансуров Мансур Алишерович

Давлат молияси тизимида ғазначилик ва уни ривожлантириш

истикболлари.....3

Мансуров Мансур Алишерович

Казначейство в системе государственных финансов и перспективы его
развития.....

Mansurov Mansur Alisherovich

Treasury in the system of public finance and its prospects for development.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.І.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МАНСУРОВ МАНСУР АЛИШЕРОВИЧ

**ДАВЛАТ МОЛИЯСИ ТИЗИМИДА ҒАЗНАЧИЛИК ВА УНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида B2018.4.PhD/Iqt308 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эшназаров Тўлқин Шералиевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Маликов Тохир Сатторович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Пулатов Дилшод Ҳақбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент Молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 27.06.2017.1.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент Молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____даги _____рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И.Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳондаги ҳар қандай ривожланган давлатлар ўз ялпи ички маҳсулотининг йирик қисмини мақсадли ва манзилли қайта тақсимлашга, мамлакат иқтисодиётини эркин ҳамда халқаро тажриба тамойиллари асосида ривожлантиришга, давлат молиявий ресурслари йўналишлари, унинг харажатларини тўғри самарали амалга оширилиши ва назоратини таъминлашга қодир бўлган замонавий давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштириб боришни талаб этади. Иқтисодиётни ҳозирги ривожланган босқичида бюджет даромадларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини, харажатлар қисмида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлайдиган ғазначилик тизимини янада ривожлантириш масалалари долзарблик касб этади.

Халқаро амалиётда Осиё тараққиёт банки, БМТ Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси ҳамда Халқаро бюджет шерикчилиги нодавлат ташкилотлари томонидан давлат бюджети ижроси, бюджет маблағларидан самарли фойдаланиш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. Ушбу тадқиқотлар натижасида давлат актив ва мажбуриятларини ҳисобини юритишнинг ягона тизимини қўллаш, натижага йўналтирилган бюджет ижроси, бюджет жараёнининг иштирокчилари ўртасида реал вақт режимида узлуксиз электрон ҳужжатлар айланиш тизими жорий этиш, тўловларни ягона ҳисобварақдан тўғридан-тўғри бюджет бирликлари томонидан мустақил амалга ошириш, шунингдек, давлат қарзини бошқариш, таҳлил қилиш ва ҳисобини юритган ҳолда миллий иқтисодиётга жорий этишнинг афзалликларини белгилаб беради. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибаси ва илмий ютуқларини тадқиқ этиш ғазначилик тизимини тараққиёти учун, шунингдек, тизимлар ўртасида ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларига тегишли қонунчилик база яратилиши ва ўз навбатида мамлакатларнинг молиявий барқарорлигининг мустаҳкамланиши, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш ва ўз навбатида мамлакатнинг халқаро рейтингида ўрни юксалиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Республикамизда давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш доирасида давлат бюджети ғазна ижроси механизми жорий этилган. Ғазначиликнинг жорий этилиши бюджет даромадаларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда харажатларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш ва пул оқимларини самарли бошқариш имконини бермоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “харажатларни ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда, давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган

бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш”¹ бўйича устувор вазифалар доирасида иқтисодий ислохотлар давлат молияси тизимида ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида давлат молиясини бошқаришга оид ислохотларга мос ғазначилик тизимини ривожлантириб боришни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 26 декабр 2013 йилдаги ЎРҚ-360 - сон “Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 24 мартдаги 20, 2016-14, 01-02/8-10-сон «Бюджет тизими бюджетлари даромадларининг касса ижроси тўғрисидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисида қарори, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидалари” ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Давлат молияси жумладан, давлат бюджети ва унинг ижроси назарияси, давлат бюджетининг ғазна ижроси ва ривожлантириш муаммоларига қуйидаги чет эллик олимларнинг илмий ишлари бағишланган: Питер Этрилл, Эдди Маклейни, А. Премчанд, А.Смит, А.Хашим, Ж.Кейнс, Ж.Стиглиц, Ж.Стрик, Б.Поттер, Ж.Диймонд ва б.қ. Юқорида номлари келтириб ўтилган олимлар тадқиқотларида давлат бюджети, бюджет ижроси тамойиллари, ғазначилик тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳамда ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар ўрганилган².

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги олимларидан С.В.Чепель, И.Г.Акперов, И.А.Коноплёва, С.П.Головач, С.И.Лушина, В.А.Слепова, Н.Г.Иванова, Т.Д.Маковник, П.И.Вахрин, Б.А.Ролтзберг, А.М.Лозовский ва Е.Б.Стародубцеваларнинг илмий-тадқиқотларида муаммонинг айрим

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон.

² Питер Этрилл, Эдди Маклейни. Финансы и бухгалтерский учет для неспециалистов. Учебник. Алпино Паблишер-2007. 312-с.; А. Премчанд. Управление государственными расходами.1994 Международный Валютный Фонд.; Смит А.Исследования о природе и причинах богатства народов.Пер.с.англ.-М.:1962.-408 с.;

жихатлари ўрганилган. Молиявий муносабатларда ва давлат молиявий назоратида ғазначилик фаолияти муаммоларини тадқиқ этган олимлардан А.А.Гилёва, И.Н.Шуляк, Н.П.Белотелов, В.Д.Фетисов, М.В.Романовский, Г.Б.Поляк, А.М.Годин, Н.С.Максимова, И.В.Подпорина, В.Ф.Гарбузов, Л.Г.Баранова, О.В.Врублевскаяларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Тўлиқ бозор механизмига ўтиш жараёнида иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш тизими институтлари ўртасида давлат молияси жумладан, бюджет ижросида муҳим аҳамиятга эга ғазначилик тизимининг ўрни ҳақида А.И.Фисенко, Е.А.Кулешова, С.В.Солонина, А.И.Романенко, И.П.Рудовал, С.И.Гусевлар қисман тадқиқотлар олиб боришган³.

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ғазна ижросининг назарий ва амалий ривожига Ё.Абдуллаев, С.Ғуломов, Н.Х.Хайдаров, А.Ўлмасов, О.Олимжонов, Х.Собиров, Т.С.Маликов, Д.А.Кучкаров, М.Т.Хайдаров, Х.Ф.Тешабаев, Т.Кучкаров, Т.Ш.Эшназаров, Г.Косимова, М.Хайдаров, Д.Х.Пўлатов, В.Кильберг ва бошқа иқтисодчи олим ва амалиётчилар катта ҳисса қўшганлар⁴.

Шу билан бирга, замонавий фанларнинг ривожланиши, молиявий муносабатларни модернизациялаш ва либераллаштириш шароитида замонавий моделлар ва хориж тажрибасини қўллаш амалиёти давлат бюджетининг касса ва ғазначилик ижроси моҳияти тўғрисида кенг тушунчага эга бўлишни талаб қилади ҳамда унинг давлат молияси тизимида кенг миқёсдаги режали функцияларини кўзда тутди.

Бундан ташқари юқорида номлари келтирилган олимлар томонидан иқтисодий ва ижтимоий фаолият субъектлари билан бюджетнинг молиявий

³ С.В. Чепель и др. Макроэкономика., М., 2007.С. 22-39.; И.Г. Акперов, И.А. Коноплёва, С.П. Головач. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации. Учебное пособие. Кнорус. М.,- 2015. 10-ст.; С.И. Лушина, В.А. Слепова. 2-изд., М.: Экономистъ, 2006. 220-ст.; Н.Г. Иванова, Т.Д. Маковник Казначейская система исполнения бюджетов. - СПб: Питер, 2001, 13-ст.; П.И. Вахрин. Бюджетная система Российской Федерации. - М.: Издательство «Дашков и К», 2004, 311-ст.; Б.А. Ролтзберг, А.М. Лозовский, Е.Б. Стародубцева. Современный экономический словарь. - М: Цифра, 1998, 150-ст.; А.А. Гилёва. Формирование и использование общего бюджета Е.С. Диссертация. Москва – 2011.; И.Н. Шуляк, Н.П. Белотелов. 3-изд., М.: Экономистъ, 2006. 116-ст.; В.Д. Фетисов. Бюджетная система Российской Федерации. - М.: Юнити, 2003, 203-ст.; М.В. Романовский. Финансы. Учебник. - М.: 2001, 219-ст.; Г.Б. Поляк. Бюджетная система России. Учебник. - М.: Юнити - Дана, 1999.; А.М. Годин, Н.С. Максимова, И.В. Подпорина. Бюджетная система Российской Федерации. - М.: И.К. Данилов, 2003, 356-ст.; В.Ф. Гарбузов. Финансово-кредитный словарь. - М.: Финансы и статистика, 1984, т.2, 27-ст.; Л.Г. Баранова, О.В. Врублевская. Бюджетный процесс в РФ. - М., 1998, 190-ст.; Фисенко А.И., Кулешова Е.А. Казначейское исполнение государственного бюджета РФ. - Владивосток: Издательство ДГУ, 1999, 98-ст.; С.В.Солонина. Место казначейства в системе государственного регулирования экономики России. Автореферат на соискание к.э.н. 2008.; А.И. Раманенков. Федеральное казначейство и бюджетная реформа. - Псков, 2000, с.58-59.; Рудовал И.П. Правовое регулирование казначейского исполнения бюджета. - Финансы, №8, 2003, 25-ст.; С.И. Гусев. Развитие федерального казначейства в системе управления государственными финансами. Автореферат на соискание д.э.н. 2005.

⁴ Т.Ш. Эшназаров. Ўзбекистон Республикасида Ғазначилик тизими асослари. Т.- Иқтисод-молия. 2012.-302 б.; Т.С. Маликов, Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. Тошкент 2007. 83-бет.; Д.А. Кучкаров, М.Т. Хайдаров, Х.Ф. Тешабаев, Кучкаров Т., Т.Ш. Эшназаров. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазначилик ижросини ташкил қилишнинг тамойиллари. – Т.: Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси, 2005. – 269 б.; Д.Х. Пулатов, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ғазна ижросини такомиллаштиришнинг методологик жиҳатлари. Диссертация. Тошкент – 2017. 178 б.; В. Кильберг. Ягона ғазна ҳисобварари жорий этилган шароитда бюджет даромадларини маъмурлаш ва бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартиблаштириш масалалари (2-қисм). “Молиячи маълумотномаси”. Т.-2013. 1-сон. 25 б.

муносабатларини тартибга солишнинг амалий механизмлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган, хорижий ишланмалар республикада давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва фойдаланиш тизимида доимо мос келавермайди, бу эса ўз навбатида, Республикада давлат бюджетини ғазна ижросини амалга оширишнинг амалий механизмларини такомиллаштириш талаб қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ишлари режасига киритилган ҳамда 2018-2020 йилларга мўлжалланган “Янги инновацион технологияларни жорий этиш асосида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш” мавзусидаги фундаментал илмий давлат лойиҳаси доирасида бажарилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон давлат молияси тизимида давлат бюджети ва унинг ғазна ижросини тадқиқ қилиш асосида ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

давлат бюджети ва унинг ижросининг назарий ҳамда услубий асосларини таҳлил қилиш;

давлат бюджетининг ғазна ижроси, унинг давлат молиявий назорат тизимидаги ўрни ва ролини ўрганиш ҳамда белгилаш;

ғазначилик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантиришда хориж тажрибасини татбиқ этиш чегаралари ва имкониятларини таҳлил этиш ва баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизимининг моҳияти ва шаклланиш босқичларида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни тадқиқ этиш;

давлат бюджети ғазна ижросининг турли моделларини тадқиқ этиш ва ўрганиш;

давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб давлат бюджети ва турли даражадаги бюджетларни ижро этиш механизми сифатида ғазначилик тизими белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети давлат бюджети ва унинг ғазна ижроси жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, таққослаш, индукция ва дедукция, статистик таҳлил, иқтисодий-эконометрик таҳлил, илмий абстракция усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий муносабатлар жараёнида дебиторлик қарзларини автоматлаштирилган ҳолда бюджет даромадларига ўтказиш таклиф этилган;

шахсий ғазна ҳисобварақларидаги нотўғри ва ортиқча келиб тушган маблағларни қайтаришда электрон имзодан фойдаланиш таклиф этилган;

электрон давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни ахборот таъминотига юбориш шартлигини белгиловчи нормаларга тузилган шартномаларни қўшиш ҳамда буюртмачилар электрон давлат харидлари орқали товарларни қабул қилиб олганликлари маълумотларни киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

прогноз қилишнинг статистик усуллари қўллаган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларни экстраполяция қилиш йўли билан узоқ муддатли (беш йилик) прогноз кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари.

давлат бюджетининг ғазна ижросини тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш асослаб берилган;

ғазначиликнинг давлат молиявий назорати тизимида тутган ўрни ва роли тадқиқ қилинган ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

давлат молиявий ресурсларини йиғиш ва ундан давлат харажатларини тўлаб бериш ва ҳисобини олиб бориш жараёнларини ғазначилик орқали амалга ошириш зарурияти асослаб берилган;

давлат бюджетига тушадиган тушумлар прогноз усуллари тадқиқ қилиниб, беш йиллик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди;

давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишни замонавий технологиялар асосида такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хориж ва маҳаллий иқтисодчи олим ҳамда амалиётчиларнинг давлат бюджети ва унинг ғазна ижроси ҳамда ғазначилик борасидаги илмий-назарий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилишдан олинган назарий хулосаларнинг амалиёт билан мос келиши, илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш, муаллифнинг тадқиқоти натижалари ҳамда тегишли мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан олинганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат молияси, хусусан, давлат бюджети ва унинг ғазна ижроси, давлат молиявий ресурсларини йиғиш ва давлат харажатларини тўлаб бериш жараёнида молиявий назорат асосларини такомиллаштириш юзасидан назарий ҳамда амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Диссертацияда келтирилган назарий ва илмий хулосалар, берилган таклифлар ҳозирги шароитда ғазначилик фаолиятини такомиллаштириш ва ривожлантириш истиқболларини белгилашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти келгуси даврга давлат молияси институтларини такомиллаштириш ва истиқболларини белгилаш юзасидан илмий асосланган ёндашувнинг ишлаб чиқилишидан иборат. Асосий илмий таклиф ва тавсиялар кейинги тадқиқотлар учун назарий-методологик база бўлиб хизмат қилиши мумкин. Таклиф этилган илмий қоидаларнинг жорий этилиши ислохотларнинг муҳим мақсадини амалга ошириш - давлат молияси, шу жумладан, давлат бюджетининг ғазна ижроси, ғазначилик тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш имконини беради. Олинган маълумотлар натижаларидан давлат бюджети ғазна ижроси ва тизимни стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда, молиявий ресурсларини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини оширишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Давлат молияси тизимида ғазначилик ва уни ривожлантириш асосларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

дебитор қарздорликлар суммалари қолдиқлари ўз вақтида ёки ҳисобот ойи тугагунига қадар ўтказилмаган ҳолларда ойнинг охириги иш кунинида автоматлаштирилган ҳолда тегишли бюджет даромадларига ўтказиш юзасидан берилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 августига 118-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидаларининг 20-бандига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги №Дс/03-04-08/3277-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши мустақил равишда ўтказиб келинаётган дебитор қарздорликлар суммалари қолдиқлари ўз вақтида ёки ҳисобот ойи тугагунига қадар ўтказилмаган ҳолларда жорий ойнинг охириги иш кунинида ғазначилик бўлинмалари томонидан автоматлаштирилган ҳолда амалга ошириш имкони яратилган;

нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни шахсий ғазна ҳисобварақларидан “UzASBO” ДМда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов топшириқномаларни ғазначилик бўлинмаларига юбориш орқали қайтариш юзасидан берилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 августига 118-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидаларининг 42-бандига ўзгартириш киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги №Дс/03-04-08/3277-сонли маълумотномаси). Натижада, бюджет ташкилотлари томонидан шахсий ғазна ҳисобварақларига нотўғри ёки ортиқча келиб тушган маблағларни қайтаришни тўлиқ автоматлаштиришган ҳолда амалга ошириш имконини берган;

электрон давлат харидлари орқали тузилган шартномаларни қўшиш ва буюртмачилар электрон давлат харидлари орқали товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиб олганларидан сўнг уч иш кунини муддатида бу ҳақдаги маълумотларни “UzASBO” ДМга киритиши ва электрон рақамли

имзо билан тасдиқланган ҳолда “ЎРМВ” АТга юбориши шартлигини белгиловчи нормаларни қўшиш юзасидан берилган таклифдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2018 йил 10 августдаги 118-сонли буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси Қоидаларининг 179-бандига 3-кичик банд сифатида қўшимча киритишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 28 сентябрдаги №Дс/03-04-08/3277-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф махсус ахборот операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш ҳамда реал вақт режимида ахборот таъминотидаги маълумотларнинг шаффолигини таъминлаган;

прогноз қилишнинг статистик усуллари кўллаган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларни экстраполяция қилиш йўли билан узоқ муддатли (беш йилик) прогноз кўрсаткичлари бўйича таклифи 5А230601 - “Давлат молиясини бошқариш” мутахассислиги талабалари учун тавсия этилган “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими” фани бўйича муаллиф томонидан ёзилган ўқув қўлланмага киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 30 майдаги 191-сон буйруғи билан тасдиқланган муаллифлик гувоҳномаси). Ушбу таклифни жорий қилиниши давлат бюджети ижросининг даромадларини кассавий режалаштиришни назарий-услубий жиҳатларини такомиллаштиришга ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Давлат молиясининг назарий ва методологик асослари**” деб номланиб, давлат молияси, хусусан, давлат бюджети ва унинг ғазна ижросининг назарий-методологик асослари умумлаштирилган, давлат бюджет тизимини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари таҳлил қилинган, давлат бюджети ғазна ижросининг жаҳон тажрибаси ўрганилган бўлиб, тадқиқот вазифалари бўйича назарий натижалар ва хулосалар келтирилган.

Шундан келиб чиқиб, кўплаб олимларнинг фикрлари таҳлил этилиб “Давлат бюджети” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Давлат бюджети - бу жамиятнинг маълум бир даражадаги ижтимоий ва иқтисодий талабларини қондириш мақсадида давлат томонидан режалаштирилиб, ташкил этилган марказлаштирилган давлат пул маблағи жамғармасидир.

Азалдан давлат бюджетини ижро этиш функцияси ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир этишнинг кучли воситаси ҳисобланган ва кўплаб муаллифлар бюджет жараёнидаги ушбу босқичнинг аҳамияти ва мақсадини илмий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганишган, лекин унга таъриф беришмаган. Муаллиф томонидан ушбу жараён таҳлил қилиниб, бюджет ижросига муаллифлик таърифи берилган. “Бюджетни ижро этиш” дейилганда, - бюджет жараёни давомида бюджет ижроси иштирокчилари томонидан тегишли даражадаги бюджет тўғрисидаги қонунчилик (бюджет кодекси, бюджетнома ва б.қ.)ларни ижро этадиган, бюджет йилини қамраб олувчи босқични тушуниш даркор.

Давлат бюджетини ижро этишнинг самарали ва амалий механизми, ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, давлат бюджетининг ғазна ижроси бўлиб, унда давлат бюджети барча даромадлари ғазначилик томонидан йиғилади ва давлат харажатлари тўлаб берилади. Давлат бюджетининг ғазна ижросининг моҳиятини белгиловчи асосий тушунчаларни изоҳлашда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, мақолалар ва баъзи илмий ишларда турли таърифлар келтирилган.

Муаллиф олимлар томонидан берилган таърифларни илмий таҳлил қилиб, амалиётдан келиб чиқиб, давлат бюджетининг ғазна ижросига қуйидагича таъриф беради: давлат бюджетининг ғазна ижроси бу – ҳисоб ва ахборот технологиялари тизимида асосланган давлат бюджети харажатларига молиявий ресурсларни етарли бўлишини таъминлаш ҳамда давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари ҳисоби олиб борилиши борасидаги иқтисодий муносабатлардир.

Шу билан бир қаторда, давлат бюджетининг ижросида унинг касса ижроси яъни тушумлар ва тўловлар ҳисоб-китоби муҳим ўрин тутди. У давлат бюджети ижросининг марказий қисми ҳисобланади.

Иқтисодий адабиётларда кўпинча «бюджетни ижро этиш» ва «бюджетнинг касса ижроси» тушунчаларига айнан бир хил маънода деб қаралади.

Мазкур тадқиқотда мамлакат иқтисодиётининг бозор механизмлари асосида ривожланиши, давлат молиявий ресурсларини тўплаш ва давлат

харажатларини амалга ошириш ҳамда ҳисоб-китобини юритишга нисбатан ягона ёндашувни шакллантириш зарурати белгилаб берилганлиги, бу эса, ўз навбатида, республикада давлат молиясига хизмат кўрсатишнинг ягона тартиботига ўтиш, бюджет тизимининг тўлиқ шаффофлигини таъминлаш, унинг ижросининг мақсадли ва самарадорлигига эришиш мақсадида, жорий бюджетни режалаштиришдан холи бўлган бюджет ғазна ижроси тизими ва уни ташкил этишнинг объектив шарт-шароитлари яратилган ҳамда ушбу институтнинг ташкилий тузилмаси ва фаолияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, илмий тадқиқотда бугунги кунда ғазначилик билан бюджет жараёнининг бошқа субъектлари ўртасидаги ахборот ва ҳуқуқий ўзаро ҳамкорликни ташкил қилиш билан боғлиқ муаммолар ўз аксини топган(1-расм):

Ғазначилик		
Банк тизими билан:	Солиқ ва божхона органлари билан:	Бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчилар билан:
• Ғазначилик органлари Марказий банкнинг электрон ҳисоб-китоблар тизимига киритилмаган; • ахборотдан самарали фойдаланиш ва унга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш имкониятини таъминловчи электрон ўзаро алоқа таъминланмаган.	• ахборотдан самарали фойдаланиш ва унга автоматлаштирилган тарзда ишлов бериш имкониятини таъминловчи электрон ўзаро алоқа мавжуд эмас; • ғазначилик органлари ва бошқа молия органлари ўртасида ахборот алмашиш методологияси ва технологияси ишлаб чиқилмаган.	• барча бюджет маблағлари тақсимловчилар ва олувчилар бўйича шахсий ҳисобварақлар орқали харажатларни амалга ошириш ягоналигининг ҳуқуқий асоси мавжуд эмас, яъни электрон ўзаро алоқа мавжуд бўлмай, бир тизимга келтирилмаган; • ғазна ҳисобварақларига бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари ва давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари электрон ўзаро алоқа билан бир тизимга келтирилмаган; • бюджет мажбуриятларини қабул қилиш, тасдиқлаш ва тўлаш учун жавобгарлик соҳаси чегараланмаган.

1-расм. Ғазначилик органлари билан бюджет жараёнининг бошқа субъектлари ўртасидаги мавжуд муаммолар⁵.

Шу муносабат билан ғазначилик, солиқ, божхона органлари, банклар бюджет ижроси жараёнларининг барча субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил қилиш масаласини сифат жиҳатдан юқори даражада ҳал қилиш ва тизимни замонавий юқори технологияларга ҳамда халқаро стандартларга мос равишда такомиллаштиришни тақозо этади.

Муаллиф ушбу тадқиқот ишида ўрганиш ва таҳлиллار асосида ғазначиликка қуйидагича таъриф беради: Ғазначилик – давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга ошириши ва ҳисобининг олиб борилишини таъминлаш учун масъул бўлган махсус давлат тузилмасидир.

⁵ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диссертацияда давлат бюджети ғазна ижроси тизимини қўллаб-қувватлашнинг хорижий давлатлар тажрибаси чуқур ўрганилган ва шу асосда Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мумкин бўлган ғазначилик институти механизмларидан фойдаланиш таклиф этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Давлат молияси тизимида ғазначилик ва унинг бугунги ҳолати” деб номланади. Ушбу бобда давлат бюджетини ижро этишнинг моделлари, механизмлари, ишлаш фаолияти ва ривожлантирилиши, давлат бюджетининг бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича барча операциялар бюджетнинг Ягона ғазна ҳисобварағи (ЯҒХ)да жамланиши таҳлил қилинган ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича ЯҒХга жамлаш воситаларининг услубий шартлари келтирилган.

Давлат бюджетининг ғазна ижросида бюджет маблағларини кутишга ҳожат қолмайди, чунки ягона ғазна ҳисобварағига даромадлар шаклида тушумларнинг тушиши мазкур ҳудуддаги бюджет харажатларини оператив молиялаштириш учун барқарор жамғармани ташкил қилади.

Бундай тизимда бюджет даромадлари ҳажми ва тушуми, бюджет мақсадларининг ҳажми; смета харажатлари; тузилган шартномалар бўйича амалга оширилган аванс ва тўлиқ тўловлар ҳажми тўловлари; миқдори ва бошқа ҳаракатларни аниқ назорат қилиш имконияти пайдо бўлади. Бизга маълумки, Ўзбекистонда давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий қилингунга қадар назоратнинг шаклларида фақатгина сўнгги назорат мавжуд бўлиб, у фақатгина ҳукукбузарликлар содир бўлгандан сўнг аниқланиб, уларнинг олдини олиш имконияти йўқ эди. Давлат бюджети ғазна ижроси жорий қилиниши дастлабки ва жорий назоратни кучайтириб, бу бўшлиқни тўлдирди. Муаллиф томонидан ушбу назорат шакллари ва фаолият ҳам тўлиқ таҳлил қилиниб, моҳияти аниқлаштирилди.

Жумладан, 2013 йилда 396,0 млрд. сўмлик, 2014 йилда 485,1 млрд. сўмлик, 2015 йилда 504,6 млрд. сўмлик ва 2016 йили эса қарийб 500,0 млрд. сўмлик маблағларнинг мақсадсиз ва режадан ортиқча харажат қилинишининг олди олинган. Таҳлил қилинган даврда дастлабки ва жорий назорат ўтказилиши натижасида ғазначилик томонидан жами 1 014,4 млрд. сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича эса 741,5 млрд. сўм бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши олди олинган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2013-2016 йилларда олди олинган молиявий қоидабузарликлар ҳолати⁶.

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР	2013	2014	2015	2016
Тузилган шартномалар:				
сони (минг)	1348,4	885,1	843,1	799,2
миқдори (млрд. сўм)	15433,3	15700	18500	17300
Қайтарилган шартномалар:				

⁶ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги маълумотлари асосида тузилган.

сони (минг)	143	101,7	103,8	100,1
миқдори (млрд. сўм)	2397,4	1900	2400	
Олди олинган мақсадсиз ва режадан ортиқча харажатлар: (млрд. сўм)	395,8	485	504,6	500
кўзда тутилмаган харажатлар (млрд. сўм)	163,4	240,5	210	200
кўзда тутилгандан ортиқча харажатлар (млрд. сўм)	219,3	236,4	288,5	300
ўртача бозор нархларидан ортиқча харажатлар (млрд. сўм)	13,1	8,1	6,1	
Жами олди олинган мақсадсиз ва ноўрин сарфлар: (жами млрд. сўм)	683	0	977,2	1014,4
бюджет маблағлари (млрд. сўм)	556,6		730,9	741,5
бюджетдан ташқари маблағлар (млрд. сўм)	126,4		246,3	272,9
Сув хўжалиги ташкилотларининг электр энергияси истеъмоли учун тўлов (млрд. сўм)	876,2	1000	1200	1400

Бу тизимнинг такомиллаштирилиши, ўз навбатида, бюджет ташкилотларининг молия-ҳисоб бўлинмалари ходимларининг ғазначилик бўлинмаларига ташрифининг сонини бир ой мобайнида ўртача 4 маротабагача (12 та ташрифдан 8 та ташрифгача) камайтириш, шунингдек, ҳисоботларни реал вақт (“on-line“) режими имконини яратган.

Шу билан бир қаторда, тадқиқот ишининг ушбу бобида давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширишнинг амалдаги механизмлари ўрганилган ва уларнинг моҳияти аниқлаштирилган. Жумладан, давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга ошириш механизмларидан бири даромадлар ва харажатларни режалаштириш бўлиб, у ҳам вақт ҳам, миқдор бўйича тушумлар ва маблағлар харажатида доир ахборотни ўзида акс эттиради. Шунинг учун бюджет даромад тушумлари ва маблағлар харажатларини тўғри режалаштиришни ташкил этиш Ягона ғазна ҳисобварағи функциясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва бюджет тушумлари ва харажатлари самарали бошқарилишини таъминлайди (4-расм).



4-расм. Пул маблағлари касса оқимларини режалаштириш⁷.


Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда ЯҒҲида нафақат Давлат бюджетининг, балки давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ҳам даромадлари, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари жамланганини эътиборга олган ҳолда, мазкур ҳисобварақдаги маблағларни самарали бошқариш табора долзарб масалага айланиб бормоқда.

Маълумки, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси бюджетнинг вақтинча бўш турган маблағлари тижорат банкларида депозитларда жойлаштирилиши мумкин.

Бу эса қайд этганимиздек, бюджет тизими бюджетларининг ижроси жараёнида Ягона ғазна ҳисобварағидаги маблағлардан унумли фойдаланиш ва маблағларни самарали бошқариш механизмларини жорий этиш бюджет тизими бюджетларини тезкор, оқилона ва самарали бошқариш учун имконият яратади.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимида online тизимидаги ЯҒҲнинг ташкил этилиши сифат жиҳатдан янги технология ҳисобланади ва бунда турли даражадаги бюджет даромадлари бошқа маблағларнинг марказлаштирилиши, уларни мумкин қадар қисқа муддатда тегишли бюджетларга тақсимлаш ва харажатларининг амалга оширилиши, барча даражадаги бюджетлар ҳисобидан амалга оширилган давлат бюджети харажатлари ва даромадлари бўйича операцияларнинг ҳар куни акс эттирилиши ва Давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни исталган сана ва ҳисобот даври учун тезкор шакллантириш имкониятига эришилади (5-расм).

⁷ Тадқиқот натижалари асосида тузилди.



5-расм. Ягона ахборот майдони⁸

Бу, ўз навбатида, ижро этувчи ҳокимият, молия ва солиқ органларига вилоят, шаҳар ва туманлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча даражадаги бюджетларга тушаётган солиқлар ва йиғимлар ҳисоби ҳамда солиқ турлари ва тушумлар бўйича даромадлар ҳақида тезкор маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Жаҳон бюджет жараёни тажрибасидан маълумки, юқоридан қуйига қараб молиявий оқимларни ўз ичига олувчи бюджет тизимини тартибга солиш амалиёти турли даражадаги бюджетларнинг даромад ва харажатлари тенглигини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бюджет тизимини тартибга солишнинг барқарор механизмини шакллантириш ҳисобланади. Бу эса бюджетлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда ўз аксини топади.

Шу ўринда, бюджетнинг даромад ва харажат қисмига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ ўзаро ҳисоб-китоблар муаммосига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлат бюджети ғазна ижроси, давлат бюджети ижроси жараёнида пул маблағларининг оқими ҳамда бюджет харажатларини прогноз қилиш усуллари кенг фойдаланиш ва уни такомиллаштириш бюджетни оқилона ва самарали ижро этишга кенг имконият яратади.

Биз томонимиздан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар

⁸ Тадқиқот натижалари асосида тузилган.

стратегиясида белгиланган долзарб вазифаларни ҳисобга олган ҳолда беш йиллик давлат бюджети даромадлар қисмига мўлжалланган прогноз ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Давлат бюджетининг ғазна ижросини такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида тадқиқотчи томонидан ғазначилик тизимини такомиллаштириш бўйича тамойиллар, давлат консалидациялашган бюджет молиявий ижросининг ижобий жиҳатлари, Ўзбекистон ғазначилик тизимини ривожлантиришнинг муҳим стратегик ҳамда тактик вазифалари, ягона телекоммуникацион тармоқ ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси ғазначилик тизими ривожланиши жараёни давом этмоқда. Ғазначилик тизими олдида давлат бюджет сиёсатини амалга оширишнинг муҳим масалалари турибди ва бунда мамлакат молия тизимининг келгуси ривожланиш стратегиясида ғазначилик муҳим роль ўйнайди.

Ғазначилик давлат молиясида асосий ижро этувчи институт бўлиши лозим. Бунда унинг режасига ўз функцияларини кенгайтириш зарур бўлиб, ғазначилик марказлаштирилган давлат молиявий ресурслари ҳисоб-китоби вазифасини тўлақонли бажариши, давлат молиявий сиёсатини амалга оширишнинг самарали механизмига айланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Турли даражадаги бюджетлар ижросининг ғазначилик тизими фаолияти бюджет тизими ҳолати ва хусусиятидан келиб чиқувчи тамойиллар асосида қурилиши керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ғазначилик тизимини қуйидаги асосий тамойиллар асосида такомиллаштириш лозим: илмийлик, марказлашиш ва марказлаштирилмаганлик, барча даражадаги тегишли органлар ўртасида функция ва вазифаларни чегаралаш, умумлаштириш, ҳуқуқий ва меъёрий база ҳамда ахборотга талабларнинг ягоналиги.

Кўрсатилган тамойиллар ғазначилик тизимини такомиллаштиришнинг турли томонларини характерлайди. Уларга риоя қилишнинг бир вақтдалиги ва мажмуавийлиги – ташкилий тузилма ривожланиши ва ғазначилик тизимида молиявий оқимлар айланмасини оптималлаштириш ҳамда бошқарув самарадорлигини оширишнинг асосий шартидир.

Бизнинг фикримизча, маҳаллий миқёсдаги молияни бошқаришда ғазначилик технологияларидан фойдаланиш ёрдамида бюджет ижроси механизмларини унификациялаштириш йўналишида ҳудудий молия органларини қайта ташкил қилишни тезлаштириш керак.

Стратегик ва тактик вазифалар, ғазначиликни мустаҳкамловчи ечимлар рўйхатини белгилаш, давлатнинг ягона бюджет сиёсатини ўтказишни амалга ошириш, унинг қонунчилик-ҳуқуқий асосини таъминлаш унга юклатилган вазифаларни самарали бажариш имконини беради.

Ўзбекистон ғазначилик тизимини ривожлантиришнинг муҳим стратегик вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ғазначилик тизими фаолиятининг қонунчилик ва меъёрий базасини такомиллаштириш.

2. Давлат ижро ҳокимияти институти сифатида ғазначиликнинг мақомини ўзгартириш.

3. Бюджетни бошқариш, қарз муносабатлари ва активларини тартибга солиш, капитал харажатларни молиялаштириш, давлат мақсадли дастурларини молиялаштириш, жамғарма бозорида, банк-кредит соҳасида қатнашиш бўйича ғазначилик тизими бажарадиган функцияларни сезиларли даражада кенгайтириш.

Фикримизча, ғазначилик давлат молиясини бошқаришда анча кенг доирадаги мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак, ҳозирги вақтда фақатгина давлат бюджетини ижро этишда бевосита қатнашмоқда.

Стратегик вазифаларни ҳал қилиш тактик хусусиятдаги вазифаларни амалга оширишга реал шароитлар яратади.

Давлат ғазначилик тизими ривожланишининг тактик вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ғазначилик воситасида хизмат кўрсатишга барча давлат молиявий оқимларини ўтказиш;

- божхона хизмати ҳисобварақларини ёпиш ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг божхона тўловларини бюджетга ҳисоблаш билан боғлиқ молиявий оқимларни ғазначилик тизимига ўтказиш;

- давлат молиявий ресурсларини иқтисодий ташхислаш ҳамда мониторинг қилиш воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- давлат солиқ ва божхона хизматлари, ғазначилик, давлатнинг бошқа молиявий агентлари ҳудудий бўлимлари ахборот оқимларини бирлаштиришга қодир бўлган ягона телекоммуникацион тармоқ ва маълумотлар базасини ташкил қилиш;

- давлат ғазначилигининг ҳудудий бўғинлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Давлатнинг молиявий-иқтисодий тузилмаларини ислоҳ қилиш жараёнида ахборотнинг аҳамияти доимий ўсиб боради ва ташкил қилинаётган ягона телекоммуникацион тармоқлар давлат бошқарув органлари, вилоят, шаҳар ва туманларни яхлит мажмуага боғлаб, уларнинг самарали фаолият юритишига хизмат қилади.

Ягона телекоммуникацион тармоқни ташкил қилиш давлат бюджет тизимини комплекс мониторинг ва иқтисодий ташхислаш имконини бериб, давлат ғазначилигининг бўлимлари олдида турган вазифаларни самарали ҳал қилишга хизмат қилади. Шу мақсадда қуйидагилардан фойдаланиш керак:

1. Солиқ ва солиқсиз тушумларнинг сифат ҳамда миқдорий параметрларини акс эттирувчи кўрсаткичлар.

2. Давлат харажатларининг миқдорий ва сифат параметрларини акс эттирувчи кўрсаткичлар.

3. Давлат иқтисодиётига кредит қўйилмаларининг миқдорий ва сифат параметрларини акс эттирувчи кўрсаткичлар.

4. Давлат бюджет тизими ижросининг сифатини акс эттирувчи кўрсаткичлар.

Ғазначилик ва кредит муассасалари такомиллашмаганлиги сабабли бюджет ғазначилик банкни ташкил қилиш тўғрисидаги хулосага келинмоқда. Барча поғонадаги бюджет ижроси учун жавобгарликни ўз зиммасига олган молиявий тузилма ўзининг муҳим бўғини – бюджет банк муассасаларисиз тўлақонли фаолият юритиши мумкин эмас. Бюджет банкни ташкил қилиш – ягона ҳисобвараққа тўлиқ ўтишда, фикримизча, Молия вазирлигида барча бюджет маблағларини тўплаш бўйича ягона ечимдир.

Албатта, ғазначилик банкни ташкил қилиш ғоясини амалга ошириш мураккаб иш бўлиб, аммо реал ғазначилик тузилмаси нафақат соф молиявий орган сифатида ишлайди, балки банк операцияларини такомиллаштиради, назорат қилинадиган молиявий банк давлат тизимини қуриш учун шароит яратади.

